

СИНОВЛИ КУНЛАР

Доимо ўз дарду ташвиши билан андармон юрадиган дунё мамлакатлари аҳолиси гавжум йирик шаҳарларидаги ажабтовор кимсасизлик, бўм-бўш, ҳувиллаган кенг кўчалардаги ҳаётсиз жимликни кўриб, кўнгилга ҳаётсиз оралади.



ДАҲШАТЛИ ОФАТ
САБОҚЛАРИ

Бу тоғли вирус деганлари кўринмас душман-да, унга қарши фақат шахсий гигиенага амал қилиш ва кўчага, ўз-ўзини яқкалаш орқали курашиш мумкин. Одамлар тўпланадиган ерларга бормаслик талаб этилади.

лар мобайнида ўзгартира олмаган тузумларга жиддий оғохлантирувчи зарба бериш билан бирга давлат тепасида ўтирган пасту баланд масъулларни ўз қилмишлари ҳамда ҳақ-ҳуқуқлари топталган мазлумларнинг ҳуқуқий-ижтимоий аҳоли хусусида жиддийроқ ўйлашга мажбур қилмоқда.

хавфлиси эди. Баъзи манбаларда ушбу вирус билан 500 миллион одам зарарланганлиги, дунё бўйича 100 миллиондан зиёд инсон вафот этганлиги қайд этилади.

Афсуски, ушбу вирус бойни ҳам камбағални ҳам мутлақо аяётгани йўқ. Ҳаммасидан ҳам хатарлиси, вируснинг аҳоли орасидан чиқиб-қайтишидир. Токи бу кўзга кўринмас душман аҳоли оралаб юраркан, дуч келгани зарарлаб кетаверади.

Ийлар мобайнида оламнинг онгу шуурда шаклланиб ёвузлик, оқибатсизлик, маънавий-ахлоқий бузуқлик, фоҳишабозлик, судхўрлик каби қилмишлари учун бутун инсоният етпасига бадал тўламоқда.

Ростдан ҳам турли хил бедаво вирусларнинг ҳар 100 йилда қайта такрорланиши шунчалик тасодифи ёки бу Яратганнинг инсониятга юборган жазосими?

Ҳар ёмоннинг бир яхши тарафи бўлади, дейишди. Яратган Холиқ бу орқали бутун инсониятга яна бир қарра ўзининг куч-қудратини билдириб қўйди.

Яқинда интернет сайтларининг бирида шундай статистикага гувоҳ бўлдим. Унда ҳар юз йилда дунёда такрорланиб турадиган турли хил юқумли вирусларнинг инсоният бошига ёғдирган бало-офатлари ҳақида ёзилган. Яъни, ҳар 100 йилда такрорланаётган эпидемиялар: 1720 йил «қора ўлат», 1820 йил вабо, 1920 йил испан гриппи, 2019 (2020) йил коронавируси нимани аниқлатди?

Бундай ўйлаб қарасангиз, жамият ҳаёти ва ижтимоий муносабатларни бир меъёрга солиб турувчи энг муҳим бўғин саналмиш давлатларнинг иштироки вирус келтираётган зарар ва унинг хавфлилик даражасини жиловлашда муҳим омили бўлмоқда.

Айтиш мумкинки, оддий бир вирус дунё сиёсатини ҳам бутунлай бошқа ўзига буриб юбормоқда. Дунё иқтисодиёти кутилганидан ҳам зиёда зарар кўрди.

1720 йилда тарқалган «Буюк Марсель вабоси» номли ўлат пандемия даражасига кўтарилган. Марселда 100 мингдан зиёд инсон ушбу офат қурбонига айланган.

Хитойда пайдо бўлган коронавируси пандемияси мана ярим йилдан ошдики, дунёга катта ҳар 100 йилда қайта такрорланиши шунчалик тасодифи ёки бу Яратганнинг инсониятга юборган жазосими?

Айтиш мумкинки, оддий бир вирус дунё сиёсатини ҳам бутунлай бошқа ўзига буриб юбормоқда. Дунё иқтисодиёти кутилганидан ҳам зиёда зарар кўрди.

Вабо пандемиясининг кейинги зарбасига Шарқий Осиенинг Таиланд, Индонезия ва Филиппин каби давлатлари нишон бўлган. 1820 йилларда юз берган ушбу пандемия ҳам 100 мингдан зиёд инсоннинг ёстигини қуритган.

Балки Аллоҳ таоло бу балоларни ер юзига жўнатиши орқали хароб бўлган ҳулқи-ми, ахлоқимиз, маънавий турмуш тарзининг ўзгартириш мислини истаётгандир.

Холмуҳаммад
ТОҒАЙМУРОВО,
журналист.
Сурхондарё вилояти.

АФСУС

Урганч шаҳар
ҲОКИМЛИГИДАГИ ЛОҚАЙДЛИК

Бугунги кунда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш долзарб масалага айланган. Жойларда уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида камфоизли кредитлар тақлиф қилинапти, уйда боқиб учун товуқ ва қорамоллар тарқатиляпти.

Халқ қабулхонаси етакчи мутахассиси И. Матёқубов 3.Кенжаева аризасини Хоразм вилоят қурилиш бош бошқармасига юбориб, у ердан аниқ жавоб олишга муваффақ бўлди.

Урганчлик ёш оила соҳибаси Зулайҳо Кенжаева 2019 йилнинг октябрь ойидан буён тадбиркорлик фаолиятини бошловмай овора бўлмоқда.

Ф.Матчанов ва Урганч шаҳар адлия бўлими бошлиғи О.Юсупов ҳам ишга адолат билан ёндашиб, Урганч шаҳар ҳокимлиги мутасадди ходимлари муурожаатчи аризасидики талаб асосиз рад қилинган ва эътиборсизлига йўл қўйилган деган хулосага келган.

Еш келинчаққа яқинлари будқани савдо масканлари — деҳқон бозорига ўрнатишни маспахта бериб, унда қоғоз-қалам сотишдан ташқари маълумотлар бюроси сифатида ҳам хизмат кўрсатса, жуда яхши бўлишини таъкидлашди.

Яқиндагина Халқ қабулхонаси ўрганишга юборган муурожаатчининг аризасига Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари К.Шамуратов эса яна ўз билганича, қонунга зид равишда ёндашиб, ерни фақат "E-IURO AUKSION" орқали олиш мумкинлигини такрорлайди.

Бу фикр унга мўйдек ёқди. Қизқарғили ҳамда савоб иш. Ахир, вилоят марказидек одамлар дарёдек оқиб келиб-кетиб турадиган Урганч шаҳрида бирорта маълумотлар бюроси йўқ-да.

Аёллар бандлигини таъминлаш, камбағалликни бартараф қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган. Бу борада муҳтарам Президентимиз кунора ёниб-куйиб гапиряпти, кўрсатма ва топшириқлар бераёпти.

Нима бўлганда ҳам ёш оила соҳибаси энгил типдаги савдо маскани ташкил қилиш мақсадида Урганч шаҳар ҳокимига ариза билан муурожаат қилди.

Аёллар бандлигини таъминлаш, камбағалликни бартараф қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган. Бу борада муҳтарам Президентимиз кунора ёниб-куйиб гапиряпти, кўрсатма ва топшириқлар бераёпти.

Жавобдан қоникмаган Зулайҳо ёрдан сўраб учрашмаган депутати, масъул мутасаддилари қолмади.

Ҳўш, бунга ким айбдор? "Хоразм почтаси" акциядорлик жамияти ёхуд "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси мутасаддиларими?

Ушбу мақсадлари йўлида чарчамаган ёш келинчақ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Урганч шаҳридаги Халқ қабулхонасига муурожаат қилади.

Балки бу саволга асосли жавобни Хоразм вилоят ҳокимлиги мутасаддилари беришар?

Пўлат ЭРМАТОВ,
журналист.

ҚИЛМИШ

"Пора билан қўлга тушган домла бу йил яна ишга қайтибди", қабилидаги узун-қулоқ гапларни кейинги пайтларда кўп бор эшитаямиз.

КЕТМАС ДОҒ

Бухоро давлат университети Педагогика кафедраси ўқитувчиси Ҳайитгул Имомованинг қилмишини суд қонун талаби доирасида баҳолади.

Имомова эса ўқишга кирмоқчи бўлган абитуриент қизнинг яқинларини интиқлик билан кута бошлади.

Мамлакат тараққиёти, давлатимиз келажагини, унинг нуфузини ўсиб келаятган ёш авлод — билимли, салоҳиятли кадрлар белгилайди.

Утган йилнинг 2 август куни институт Бош биноси олдида учрашиб Дилшодадан 3000 АҚШ долларини олар экан: "ўқишга кирганингиздан кейин ўртадаги хизматим учун менга 300 АҚШ доллари берасиз", деди Ҳ. Имомова.

Кафедрада ишлаб келган таърибга тўплаган Ҳайитгул Имомова эшик қўқиб келган "меҳмон"ларни тавозе билан кўтиб олди.

Тасодифи ё йўқ, буни қарангки, университет ҳовлиси рўпарасидан Бош прокуратуранинг иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари чиқибди.

Муаллим бўлиш орзусида яхши ният билан университетнинг педагогика бўлимига тайёрларик кўриб, ҳужжат топширишни ният қилган Дилшода Азимова 2019 йилнинг май ойларидан бошлаб хавотирга туша бошлади.

Бир йил муддат ана-мана дегунча ўтиб кеттиши аниқ. Аммо эл-юрт, қариндош-уруғ, ҳамкасблар олдидаги шармандалик доғи йиллар ўтиб ҳам юракдан кетмайдиган бўлди.

Гўё томонлар бир қарорга келишган эди. "Меҳмон"лар маслаҳатлашгани уйларига кетишди. Домла

Моҳира ШАКАРОВА,
журналист.

МЕҲР

Ёлғизлик

Ун беш ёшда эдим. Дўстларим билан чекка қишлоқнинг энг овлоқ ерига балиқ овлашга бордик.



Пастқам пахса уйнинг олдида чўққа картошка кўмаётган бир одамни учратдим.

Куйи соат ўн бирда радиодан куй-қўшиқлар янграйди. Тинглайман. Айни шу вақтда бир чипор илон ҳув анави тўнка устига чиқиб, ашула эшитилади.

— Ассалому алайкум! — У менга синовчан тикилди. Катталарда деярли учрамайдиган, ҳаёборлик ҳайратини оширди.

— Шаҳарликмисан? — У бошмоқни пайпоқсиз кийиб юганимга шаъма қилди...

— Ваалайкум ассалом, — бамайлихотир алик олди номаълум киши.

— Сиз ўзингиз кимсиз? — саволига савол билан юзланганим.

— Узр, адашиб қолдим. Жураларим билан балиқ овиға чиққандик.

У менинг ичимдаги гап "дарвеш бўлса керак" деган ўйни уққандек, маъноли жилмайди.

— Биз табиатнинг бир қисмиэмиз. Аммо моҳиятни нутиб бораётган инсон табиатнинг фарзанди эмас, жаллодига айланмоқда...

— Нафсимни енголмаяман. Каттагина корхонанинг бошлиғиман. Ҳар йили меҳнат таътилига чиққач, шу ерга келаман. Руҳан покланаман.

— "Епирай, бу одам чўпонми ёки... Ким бўлди экан?!"

— Эрикиб кетмайсизми? — Неча йиллардан буён жониворлар билан оға-иниман. Ҳар

Обид ҚҮЛДОШ.

САБОҚ



МУТОЛААНИНГ ТАЪСИРИ

Бутун дунёни ташвишга солаётган коронавирус пандемияси туфайли мамлакатимизда эълон қилинган карантин кунларида сабр-қаноатда ўзим ишлайдиган газетанинг янги сонини ўқиб турувдим, кўшимча кўнгирок қилди.

Сабр ва қаноат, эр-хотин муносабатлари ёмонлашувининг бола руҳиятига таъсири ҳақида гапиринг. Ўзингиз ўқитган оила бахти ҳақидаги китобингиз бору, уларага ўшани ўқитиш тавсия қилинг, ўзарини булар, — дедим.

— Яхшиям маслаҳатлашганим. Абдоржонга сиз айтганидек китоб ўқитиш айтганим, аввалига индамай турди. Сўнгра китобни арақлаштиди. Мана уч кундан буён Тоҳир Маликнинг "Одамийлик мулки" асарини мукка тушиб ўқияпти. Дастурхон атрофида йилганимизда, ўз-ўзидан асардан парчалар айта бошлади. Келиним ҳам қизиқиб қолган, кейин мен ўқийман дейди. Кеча десангиз келиним ўғлимга қараб: "Бироз дам олвинг, болаларингиз билан футбол ўйнамоқчи эдингиз", деса-да, меҳрибонлик қилганидан билдим, ярашиб олишибди, — деди.

СЕВИМЛИ НАШРЛАР

"Гулхан" ёғдусида исинган қалб изхори

Одамнинг ўзига азиз саналган лаҳзалари бўлади. Лаҳзалар ширин дамларга етаклайди, утган йиллар умрда кечган онларни ёдга солади. Беихтиёр утган яхши-ёмон кунларни ёдга олар экансан.



Журнали варақлаётганим, кўз олдимга журнал муҳаррирлари, жонқурлари Гани Жаҳонгиров, Ўзбекистон халқ шоири Жамалнияз Жабборов, Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Яйра Саъдуллаева, тиниб-тинчимас Тўлқин Қозоқбоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матчон, болалар адиби Сафар Барноевлар келди.

ДУНЁ МАТБУОТИ

"Сиз мени Франциянинг ҳукмдори деб биласиз, агар эркин матбуот бўлмаганида мен уни уч ой ҳам бошқара олмаган бўлардим" деган эди ўз вақтида Наполеон I. Дарҳақиқат, эркин матбуотнинг тили доимо узун, халқнинг яраларини ўз вақтида кўриб, даволашда хизматлари бекис.

"ОДАМЛАРГА ЎЗИ ИСТАМАГАН НАРСАНИ ГАПИРИШ ҲАҚҚИ"

суҳбат мавзуси ҳаёт ҳақиқатлари ва таҳрир мезонлари ҳақида



диокитоблардан иборат, янгиликлар йўқ ва рақамли мультимедиа платформага ўтганимизга анча бўлди. Бугун BBC News O'zbek, бу — bbc.com/uzbekсайти, ББС Ўзбек ТВ ҳамда ижтимоий тармоқлардаги ББС Ўзбек саҳифалари. ББС Афғонистондаги ўзбек тилида сўзлашувчи аудитория учун ўзбек тилида махсус теледастур тайёрлаб эфирга узатаётган дунёдаги ягона халқаро ОАВ. Биз ҳамкорлик уфдларини кенгайтиришни хоҳлаймиз.

ББС бир институт. Одамлар эмас, журналистик мезонлар, кадрлар билан бошқариладиган бир мактаб. Раҳбарият ва журналистга келиб-кетаверида, аммо кадрларнинг уларнинг қол-қовоғига қараб ўзгармайдми. Асосийси, контент бизнинг таҳририй мезонларимизга жавоб берса бўлгани. Жавоб узун бўлди, аммо қисқароғи шу.

крет вақтда, замон ва маконда содир бўлади. Ҳар бир янгилик алоҳида ҳодиса ва алоҳида ёндашувни талаб қилади. Умумлаштирган пайтимиз, сизнинг ўзингиз айтатган ҳолислиқдан узоқлашиб кетиш хавфи бор.

янгиликларнинг табиатини назарда тутатган бўлсангиз, медиа кун тартибини биз эмас, балки воқеа-ҳодисалар белгилайди. Аммо агар гап бизнинг Ўзбекистондаги муаммоларни ёритишимиз ҳақида бўлса, ишонинг, ҳар кун Ўзбекистон ва минтақадаги турли муаммоларга эътибор қаратиш сўралган ўнлаб хатларни оламиз. Бу мавзуларни имкониятларимиз доирасида ёритамиз.

изоҳлайсиз? Эки Сизларда ҳам "эфир тўлдириш" деган гаплар борми? — Эфир тўлдириш деган бир қайғумиз йўқ. Мавзуларга келсак, журналистикада фақат ёқимли мавзуларни ёритиш керак, деган қоида йўқ. Реаллик нима бўлса, шу. Ҳасос мавзулар бор. Диний ёки этник дейлик. Аммо бу ерда ҳам ББСнинг таҳририй мезонлари аниқ ишлайди.

Темур УБАЙДУЛЛО, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

— Сиз ишлайдиган ББС радиосида иш тарзи қандай? Соат нечада иш кунингизни бошлайсиз, раҳбарият томонидан ходимларга қандай талаблар қўйилади? Битта эшиттиришни эфирга узатиш учун қанча вақт сарфлайсиз? Улар раҳбарият томонидан қайтарилган ёки рухсат берилмаган ҳолатлар ҳам бўладими?

— Сиз ростдан ҳам ББС журналистлари ёритиладиган ҳар бир воқеалик ҳолислиқ билан ёндашяпти, деб ўйлайсизми? Баъзан ёндашувда, муносабат ва таҳлилларда ҳақдан ошишлар бордек туйулмайди?

— Аслида, одамзод табиатан тарафқаш. Чунки ҳаммамиз маъмул бир жўғрофияга, одамлар гуруҳига мансубимиз. Дехқонча айтганда, еримиз, сувимиз бор. Инсонлар сифатида биз кўпинча ўзимизга ўхшаб фикрлайдиганлар билангина ҳамфикримиз. Аммо бу қарши ёки бошқача фикрни инкор қилишимизга мутлақ асос бўлмайди. Бу айниқса, бугунги ижтимоий тармоқлардаги баҳсу мунозараларда яққол кўзга ташланади. Холислик даъво қиладиган кўп, аммо тағ-замирида қатъий, қолиғча тушган қарашлар, ёндашувлар, олдидан чиқарилган ҳуқуқлар ётади. Бунинг бир қисми онг остида содир бўлгани учун кўпинча ўзимиз ҳам пайқамаймиз. Сизни ёки мени журналист сифатида холис қиладиган нарса, бу биз қўлаётган услуб, журналистика методи. Шунинг учун ҳам таҳририй мезонлар муҳим. Менинг инсон сифатида бўлишим, қарашларим, танловим ўзлишим мумкин, аммо ББС мезонлари ва касб этикаси буни менинг ишимга таъсир кўрсатишига йўл бермайди. Мен юқорида тилга олган ББСнинг таҳририй мезонлари ҳамма нарсадан устун туради. Мен "ББС журналистлари" ва "воқеаликни умумлаштирмаган бўлардим. Чунки янгилик кон-

— 25 йил аввал чоп этилган пивэ пўстаиди қалинликдаги китобимни эслаганимиз учун раҳмат. Бу китоб менинг эмас, унга сўзбош ёзган устозим, ажойиб шоир ва қалби дарё инсон Икром Отамуроднинг меҳнати маҳсули. Икром ака талабаларда "Шарқ юлдузи" журналига олиб борган машқларим ва дўстларимда қолиб кетган қораламларни тўплаб, китоб қилганлар. Бу пайтда мен Туркияда таҳсил олаётган эдим. Китоб чоп бўлганидан кейин устоз нега бу боланинг китобини чоп қилдинглар, деган саволларга ҳам жавоб беришларига тўғри келган. Шу китобни ҳозир ҳам кимдир эсласа, албатта, ўзимга ёқимли. Аммо талабаларда "планка"ни катта олиб қўйиб, кейин кўп нарса ёзмаганимдан ўзимни айбдор ҳам ҳис қиламан. Дўстлар бунинг кўп юзига солади. Аммо мен шеър ва шоирликка бир миссия ёки касб сифатида қарамаганман. Шунчаки, фикрни ифода этиш йўсинларидан бири. Йўсинлар эса кўп. Етарки, фикр бўлсин.

— Баъзан ББС Ўзбек хизмати асосан, мусулмон бўлган доира тинловчилари учун эшиттириш таёёрлай туриб, умуман беларда ва ўзбекистонда қораи, тўғуларни, қалбига ноҳос мавзуларни кўтариб чиқади? Бунинг қандай

— Ўз иш тажрибангизда қайси жиҳатларини бўлғуси журналистларга урганса бўлади, деб тавсия қила оласиз? — Журналистика бу жараён. Бошқа касблардан фарқи унинг қатъий "қилиш керак бўлган" ва "керак бўлмаган" нарсалар рўйхати йўқ. Ҳар доим янгиликлар туради. Охтироқ, ҳар бир одамда янгиликлар. Бу ерда кимнинг конкрет тажрибаси эмас, балки умумий қоидалар муҳимроқ. Бу мени яна ўша ўзимиз доирасида ишлайдиган таҳририй мезонларга қайтаради.

Хаёт шиддат билан ривожланиб борапти. Биз унинг қайси қирғоғидан туриб қарамайлик, яхшилик ва эзгуликлардан баҳраманд бўлиш илинжида эртанги кунга умид билан тикиламиз. Бугун ҳамма соҳаларда бўлгани каби молиявий тизимда ҳам мисли кўрилмаган ислохотлар рўйбега чиқарилмоқда. Чунинчи, банклардаги кечаги охири йўқ навбатда туришлар ўрнини қулай хизмат турлари, овера-сарсонгарчиликлар ўрнига эса автоматлаштирилган масофавий хизматлардан халқ баҳраманд бўлмоқда. Бунинг замирида эса битта жиҳат — мижозларга тобора қулай ва манфаатли лойиҳаларнинг амалга оширилишига ётибди. АТБ "Туронбанк" бугун мамлакатимиз банклари орасида тобора ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Унинг дунё стандартлари билан беллаша оладиган хизмат турлари, мижозларга муносабати, тобора инновацион ғояларни ўзида мужассам этаётгани бизда замонавий банк қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тасавурларимизга ислоҳ қиртади.



Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мижозларга хизмат кўрсатишни замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришга ҳуқуқий кўмак бўлмоқда. Натижада истеъмолчилар манфаатлари тўла қаноатлантирилиб, янги банк хизматлари ва маҳсулотлари ўз вақтида тадбиркорлар ҳамда аҳолининг барча қатламига бирдек етказилмоқда.

МИЖОЗ БАНКНИНГ НАТИЖАДОРЛИгини ТАЪМИНЛАЙДИ

Туронбанк очилгандан буён ривожланиш йўлига тушиб, ўз фаолиятини кенгайтириш билан шуғулланибди. Ушбу пайтда Тошкент шаҳрида битта филиал бўлган бўлса бугунги кунда уларнинг сони 6 та. Ушбу вақтда мижозлар сони 7000 нафар бўлган бўлса, бугунги кунда 20 000 дан ортиқ мижозларга хизмат қилинмоқда. Мижозлар Туронбанкнинг хизматларидан қониқиб ҳосил қилиб, ўз ишлари шу ерда давом эттириётганидан хурсанд. Чунки, мижозлар борки банк фаолияти, натижадорлиги таъминланади. Банкнинг соф фойдаси ва ўсиш суръатларига таъсир этадиган бирдан-бир омил бу банк мижозлари ҳисобланади. Тўғри, кейинги пайтда ўсиш кўрсаткичларининг кескин кўтарилишига асосий сабаб бу банк томонидан янги хизмат турларининг тақдим қилиниши ва банк бўлимларининг кенгайиши ҳисобланади.

МОЛИЯВИЙ МАҚСАДЛАР ТУТАШГАНДА

Туронбанкнинг банк хизматлари офиси сони 54 тага етди!

ТУРОНБАНКНИНГ ФИЛИАЛЛАР ГЕОГРАФИЯСИ

Жаҳон амалиётдан яхши маълумки, энг йирик ва мижозлар базасининг катталиги билан ном қозongan компанияларнинг афзаллик жиҳатлари, хизмат кўрсатишдаги минималлашув ва тезкорликдир. Яъни, бугун тақдим этилаётган ҳар бир янгилик энг чекка ҳудудларга етиб бориши ва одамлар турмуш тарзининг енгилашшига ҳисса қўиши керак. Ўз мижозларига энг яхшисини тақдим этишга одатланган Туронбанк ҳам айна шу жиҳатни инобатга олган ҳолда, Республикаимизнинг барча ҳудудларида ўзининг замонавий, ихчам ва самарадор янги "Банк хизматлари офиси"ларини босқичма-босқич ташкил этиб, ўз филиаллари географиясини кенгайтириб бормоқда.

ЎТТИЗ ЙИЛДА ЭЛЛИК ТЎРТА БАНК ОФИСИ

"Қулайлик, сифатли ва тезкор хизмат ҳамда шинам интеръер дизайн". Банк-молия соҳасида ўттиз йиллик таърибага эга Туронбанк томонидан мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида янгидан ташкил этилаётган замонавий қиёфадаги "Банк хизматлари офиси"ларига мана шундай таъриф бериш мумкин. Ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шартига тайёр бўлган мазкур офислар, аҳолининг ҳар қандай талабига тўлиқ жавоб бериб, вақт ва маблағнинг ортқича сарфланишига чек қўиши билан



фаолият олиб боришини инобатга олсак, ушбу ҳудудда офиснинг иш бошлагани ҳам тадбиркорлар, ҳам оддий одамлар учун айна мудабо бўлди. Сабаби, энди биргина шу офиснинг ўзида Туронбанк тақлим этиётган барча хизматлардан фойдаланиш мумкин бўлади. Яъни, ҳисоб-рақам очилган тартиб кредит расмийлаштиришга бўлган банк амалиётлари тез ва сифатли бажарилади.

эса осон қилишга уринмоқда. Авваллари банк амалиётларини бажариш учун шаҳар марказидаги Бош банкка бориш талаб этилган бўлса, бугун биз ўзимиз уларнинг олдига мана шундай ихчам ва самарадор Банк хизматлари офислари билан кириб бормоқдамиз. Одамларимиз эса бундан мамнун. Офисимиз бир вақтнинг ўзида юзлаб мижозларга хизмат кўрсатиш қувватига эга. Пластик картадаги маблағларни нақдлашти-

нақдлаштириш учун банкка боришга мажбур бўламиз. Яшаш манзилимизга яқин жойда банк бўлмаганлиги учун туман марказига боришга тўғри келарди. Туронбанк ташкил этган ушбу офисни кўриб, тўғриси қувондим. Чироили, шинам ва замонавий экан. Барча хизматлар ҳақида бизга маълумот беришди. Фойдали шартларда кредитларни ҳам шу ўрнинг ўзида расмийлаштириш мумкин экан. Чет давлатга пул юбориш учун ҳам барча шартлар бор дейишмоқда. Хуллас, менга жуда ёқди. Бунинг учун, аввало, Президентимизга миннатдорлик билдираман. Офис ишига ривож тилайман. Замон бизга тобора энг аўзал ва энг ёқимли ҳаёт тарзини раво кўрмоқда. Бу эса бизни ўтаётган ҳар бир лаҳзага муносиб жавоб қайтаришга чоғлайди", — деди Гулистон МФЙ фаоли Муҳаддас Алиева.

ОДАМЛАР ГАВЖУМ ХУДУДА

Нафақат Туронбанк, балки мамлакат молия блогининг чинакам драйверига айланиши кутилаётган мазкур офисларнинг навбатдаси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, ТТЗ-1 даҳаси аҳолиси учун ҳам ўз эшиklarини очди. "Дўрмон" банк хизматлари офисининг афзаллиги деҳқон бозорлари, давлат ва ҳўжалик ташкилотлари, таълим муассасалари каби одамлар гавжум ҳудудда жойлашганлигидир. Ушбу офис орқали энди фуқаролар кенг қўламли молиявий ва консалтинг хизматларини олишлари, ҳисоб-рақам ва пластик карталарга ўтказилгандан сўнг уни

ЎЗАЛ ВА ЁКИМЛИ

"Ушбу ҳудудда 10 йилдан буён истиқомат қиламан. Ойлик маошларимиз пластик картадаги маблағларга ўтказилгандан сўнг уни

номли тариф режаси ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, "дебет" айланмадан ундириладиган хизмат ҳақи бир йил давомида бепул қилиб белгиланган. Бу ҳар қандай бизнес аҳли учун зўр имкониятдир.

ОЛАМ БИР ТУГА АТРОФИДА

"Бизга жуда ҳам манзур бўлди. Ходимлар ҳам ҳўшумомала, офис тоза ва озода, мижозлар учун барча қулайликлар мавжуд экан. Ўйимизнинг таъмири учун кредит олмақчи эдим бу бўйича ҳам тўлиқ маълумотга эга бўлдим. Кўп ҳўжатлар ҳам шарт эмас экан. Бизга банкнинг мобил шпваси орқали ўйдан чиқмасдан амалга ошириш мумкин бўлган хизматлар бўйича эса алоҳида тушунтириш беришди. Тобора олам битта туга атрофида айланмоқда. Бу ҳаммани қисқа ва аниқликка ўраатмоқда", — дейди фуқаро Нурбек Мирзаев.

20 ТА ФИЛИАЛ, 50 ТА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ОФИСИ, "ТУРОНБАНК" АТБ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРМОҚДА

Жумладан, 2016 йил банкда филиаллар ва минибанк тармоқлари орқали 50 та бўлима фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда 20 та филиал, 54 та банк хизматлари офиси орқали республикаимизнинг вилоят ва туманларида ўз фаолиятини давом эттириб, хизмат турларини тақдим этаётти. Йил охиригача банк хизматлари офисини 100 тага етказишни режалаштирган. Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги



аҳамиятлидир. Ҳозирга қадар халқ хизматида шундай офисларнинг 51 таси топширилган бўлса, кун кеча уларнинг сафига яна 3 таси қўшилди.

Дастлабки очилиш маросими Тошкент вилояти Оҳангарон туманида қад ростлаган "Оҳангарон" банк хизматлари офисиди бўлиб ўтди. Аҳоли зич жойлашганлиги ва кўплаб маиший ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари

ЗАМОНАВИЙ ЧАКИРИҚЛАР ФОНИДА

"Бугун одамларимиз янгила яшашга интилиб, фаол турмуш тарзини яратишга ҳаракат қилишяпти. Яъни, ортқича оверагарчиликларсиз сифатли ва тезкор хизматга бўлган талаб ортиб бормоқда. Айна шу замонавий чакриқлар фониди Туронбанк ҳам истеъмолчиларнинг узогини яқин, мушқулини

риш учун ҳам барча банккоматлар мавжуд, ҳаттоки нақд пулга АҚШ долларини ҳам харид қилиш мумкин", — дейди "Оҳангарон" банк хизматлари офиси раҳбари Ифтихор Эралиев.

ХАЁТНИНГ ОЛД ТОМОНИ

Туронбанкнинг бошқа молия муассасаларидан тубдан фарқ қиладиган офислари имкониятлари билан танишар эканми Тошкент шаҳар, Яқкасарой тумани, Қўшбеги кўчасида қад ростлаган "Қўшбеги" банк хизматлари офисининг очилиши маросимида ҳам иштирок этдик. Барча замонавий офислар қатори бу ерда ҳам мижозлар учун керакли шартлар яратилган. Энг сўнгги рўсумдаги ахборот коммуникация технологиялари билан тўлдирилган, юқори савияли мутахассислар жалб қилинган ушбу офисга назар солатурсиз, мамлакатда бўлаётган ўзгаришларни англаш, ислохотлар қозғоғда қилиб кетмаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳаётимизнинг олд томонида эса биз кутган ва бизни кутган янгиликлар қайнаб ётибди.

ЧИРОЙЛИ ЕЧИМ

Олдинлари биргина ҳисоб рақам очиш учун мижозлар 30 дақиқача вақт сарфлашган, маълумотларни умумий дастурга киритиш ва бошқа амалиётлар ортқича оверагарчиликларни келтириб чиқарар эди. Туронбанкнинг замонавий банк хизматлари офисиди бу масалага ечим топилди. «Face ID» технологияси орқали эндиликда бу хизмат учун бор-йўғи 5-7 дақиқа вақт сарфланади. Бу ҳам қулай ва тезкордир. Шунингдек, ушбу офисларда янги мижозлари учун махсус "Офис"

"2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида"ги фармонида белгилаб берилгандек, банк тармоқларини, хизматларини ҳар бир туманга етказишнинг ижросини таъминлаш мақсадида бугун дадил қадам ташланмоқда.

Муҳими, бугун банкка мижоз бўлган одамнинг дили яйрайди. Тоза, озода ва шинам офислар, замонавий хизматлар, муаммоларсиз яратилаётган гўзал ҳаёт тарзи ҳар бир одамни бир қалқитади. Шу билан бирга банк фақат иқтисодий мақсадлар туташадиган эмас, балки маънавий-маърифий, маданий мақсадлар ҳам кесишадиган маскан эканидан дарак беради.

Г.МАТЁҚУБОВА

Реклама ҳуқуқи асосида.



Янги очилган банк офисларидан лавҳалар. Суратлар АТБ "Туронбанк" матбуот хизмати томонидан тақдим этилган.

